

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Химояга тавсия этилади.

Кафедра мудири

_____2012й

«PHOTOSHOP» ДАСТУРИНИ ЎРГАТУВЧИ ВИДЕО МАЪРУЗАЛАРНИ ЯРАТИШ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Битирувчи _____
(имзо) (Фамилия)

Рахбар _____
(имзо) (Фамилия)

Такризчи _____
(имзо) (Фамилия)

ҲФХ _____
(имзо) (Фамилия)

Тошкент-2012

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Факультет: Касбий таълими. Кафедра: Техник таълим педагогикаси
5140900 Йўналиш - Касб таълим (Информатика ва ахборот технологияси)

ТАСДИҚЛАЙМАН
Кафедра мудири _____
“ ____ ” _____ 2012 й.

Жумаев Содиқ Нуралиевич
_____ ботирув малакавий ишига

Т О П Ш И Р И Қ

1. Иш мавзуси: **«Photoshop» дастурини ўргатувчи видео маърузаларни яратиш.**
2. «9» Декабр 2011 йил 1144-12 - сонли буйруқ билан тасдиқланган.
3. Ишни ҳимояга топшириш муддати: 22.05.2012 й.
4. Ишга оид дастлабки маълумотлар: Фан бўйича тест саволлари.
5. Ҳисоблаш-тушунтириш ёзувларининг мазмуни (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати): Кириш. Электрон дарсликлар ва уларни ишлаб чиқараётган дастурий таъминоти. Электрон дарсликларнинг қўлланиш усуллари. **«Photoshop»** имкониятлари ва у билан ишлаш усуллари. **видео маърузаларни** тавсифи. Фойдаланувчига қўлланма. Ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги. Шахсий компьютерда ишлаш жараёнидаги техника ҳавфсизлиги. Фавкулотда вазиятлар ҳақида асосий тушунча. Хулоса.
6. График материаллар рўйхати: Маъруза бўйича презентацион слайдлар.
7. Топшириқ берилган сана: 20.12.2012 й.

Раҳбар _____
(имзо)

Топшириқни олдим _____
(имзо)

8. Ишнинг айрим бўлимлари бўйича маслаҳатчилар

Қисм	Маслаҳатчи ўқитувчи Ф.И.О	Имзо, сана	
		Топшириқ берилди	Топшириқ олинди
Асосий қисм Ҳаёт фаолияти ва ҳавфсизлиги			

9. Ишни бажариш графиги

Т/р	Иш қисмлари номи	Бажариш муддати	Раҳбар (маслаҳатчи) белгиси
1	Ўргатувчи видеомаърузалар ҳақида назарий маълумотлар	15.01.12-26.02.12	
2	Photoshop дастурини ўргатувчи видеомаърузаларни яратиш технологияси	26.02.12-01.04.12	
3	Photoshop дастурини ўргатувчи видеомаърузаларни CamtasiaStudio дастурида яратиш	05.04.12-10.05.12	
4	Ҳаёт фаолияти ва ҳавфсизлиги	10.05.12-15.05.12	
5	Презентация тайёрлаш	15.05.12-31.05.12	

Битирувчи _____ « ____ » _____ 2012 йил
(имзо)

Раҳбар _____ « ____ » _____ 2012 йил
(имзо)

Битирув малакавий ишида «Photoshop CSS» дастурини ўргатувчи видеомануаллар яратилган. Яратилган **видеомануаллар «Photoshop CSS» дастурини ўргатувчи бир-неча машғулотларни ўз ичига олган. Видеомануалларнинг** фойдаланувчилар ва талабалар учун қулайлиги унинг ўзбек тилида яратилган эканлигидадир.

В выпускной квалификационной работе разработаны видеокурсы, которые помогают изучить программу Adobe PhotoSop CSS. Был разработан видеокурсы принимают на себя занятие которые изучить программу Adobe PhotoSop CSS. Удобно видеокурсы для пользователя и студентами которые он разработан на узбекском языке.

In final qualifying work it is developed a videorates, which to study the program Adobe PhotoSop CSS. Was developed videorates accepted on itself excersice which to study the program Adobe PhotoSop CSS. Conveniently videorates for the user for the user and students which he is developed on Uzbek language.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш

1. Ўргатувчи видеомаърузалар ҳақида назарий маълумотлар

1.1. Замонавий педагогик технологияларида видеомаърузаларни ўрни

1.2. Ўргатувчи видеомаърузаларнинг яратишга мўлжалланган дасрий таъминот

2. Photoshop дастурини ўргатувчи видеомаърузаларни яратиш технологияси

2.1. **Photoshop** дастури ҳақида умумий маълумот

2.2. **Photoshop** дастурини ўргатувчи видеомаърузаларни **CamtasiaStudio** дастурида яратиш

2.3. **Photoshop** дастурини ўргатувчи видеомаърузалардан фойдаланиш усуллари

3. Хаёт фаолияти ҳавфсизлиги

3.1. Микроклимнинг инсон организмига таъсири

3.2. Ёнғин ҳақида умумий маълумотлар ва уни олдини олиш чора-тадбирлари

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Президентимиз ва ҳукуматимизнинг диққат марказидаги масалалар қаторига таълим жараёнини ахборотлаштириш масаласи ҳам кириб, ушбу масалани ҳал этиш бўйича қатор қонунлар ва қарорлар қабул қилинди. Ушбу ҳужжатлар асосини ўқув жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни, электрон дарсликлар ҳамда мультимедия воситаларини кенг жорий этиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини яхши биладиган ва ўз касбий фаолиятида улардан самарали фойдаланадиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ташкил этади. Республикамиз Президенти ушбу масалада «... бугун ҳаётимизга ахборот ашёларини шакллантириш ва ривожлантириш, бу борадаги имкониятларидан самарали фойдаланиш вазифаси доимо эътиборимиз марказида туриши лозим» лигини таъкидлайди¹.

Бундан йигирма йил олдин электрон дарсликлар ҳақида тасаввурга ҳам эга эмасдик. Бугун эса ахборот-коммуникация технологияларининг тараққиёти боис электрон дарсликлардан фойдаланиш имкониятига эгамиз. Ўз навбатида, у билан боғлиқ муаммоларни ҳам ечишга ҳаракат қиляпмиз.

Хозирги замон мутахассислари, фаолият доиралари қандай бўлишидан қатъий назар, информатика бўйича кенг кўламдаги билимларга, замонавий ҳисоблаш техникаси, информацион алоқа ва коммуникация тизимлари, оргтехника воситалари ва улардан фойдаланиш борасида етарли малакаларга эга бўлиши, ҳамда, янги информацион техника ва технология асосларини ва унинг эртанги куни, ривож тўғрисидаги билимларни ўзида мужассамлаштирган бўлиши керак.

Бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, нафақат компьютер технологиялари ва тизимлари бўйича мутахассис бўлувчи талабалар, балки бошқа йўналишдаги талабалар, муҳандислар ва илмий ходимлар ҳам замонавий компьютер тизимларининг қурилма ва программа воситаларидан, корпоратив ва халқаро интернет компьютер тизимларида мавжуд бўлган информацион ресурсларга кира билиши, ҳамда улардан фойдаланишни билишлари лозим бўлади.

Электрон тақдимотлардан дарсда намоиш ва кўргазмали материал сифатида фойдаланиш педагогга катта ёрдам беради. Ўқув материалининг электрон тақдимотда анимациялар шаклида берилиши ўтиллаётган мавзунини тушунишни енгиллаштиради ва

¹ И.А.Каримов. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. – Т.: Ўзбекистон. 2006.-280 б

кўргазмалиликни оширади. Намойиш слайдларини ўқувчиларга тарқатма материал сифатида ҳам бериш мумкин.

Ушбу **битирув малакавий ишнинг мақсади** - «Photoshop» дастурини ўргатувчи видеомаърузаларни «Camtasia Studio» дастурида яратиш.

Битирув малакавий ишнинг вазифалари:

- 1) Видеомаърузанинг хусусиятларини ва унинг яратиш усулларини ўрганиш;
- 2) «Photoshop» дастурини ўрганиш;
- 3) «Camtasia Studio» дастурини ўрганиш;
- 4) «Photoshop» дастурини ўргатувчи видеомаърузаларни «Camtasia Studio» дастурида яратиш;
- 5) Яратилган видеомаърузалардан фойдаланиш усулларини очиб бериш.

Тадқиқот объекти: касб-хунар коллежларда «Информатика ва АТ» ўқув фанини ўқитиш жараёни.

Тадқиқот предмети: «Photoshop» дастурини ўргатувчи видеомаърузалар ва улардан фойдаланиш усуллар.

Тадқиқот методлари: педагогик-психологик ва ўқув-методик адабиётлар, меъёрий хужжатлар, ўқув-методик қўлланмаларни таҳлил қилиш, ўқитувчилар билан суҳбатлар ўтказиш, ўқитувчиларнинг дарсларини кузатиш, илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш.

Битирув малакавий ишнинг методологик асосини «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», Ўзбекистон Республикаси таълим тизимини ахборотлаштиришни ривожлантириш бўйича қабул қилинган директив ва меъёрий хужжатлар, педагогика, информатика ва ахборот технологиялари соҳасидаги таниқли олимларнинг илмий ишлари ташкил этади.

Битирув малакавий ишнинг илмий ва амалий аҳамияти. Яратилган “Photoshop” дастурини ўргатувчи видеомаърузаларни касб-хунар коллежларда “Информатика” фанини ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкун.

Битирув малакавий ишнинг тузилиши ва ҳажми. Битирув малакавий иш кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Битирув малакавий ишнинг умумий ҳажми 70 бетдан иборат.

1-БОБ. ЎРГАТУВЧИ ВИДЕО МАЪРУЗАЛАР ҲАҚИДА НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1.1. Замонавий педагогик технологияларида видео маърузаларни ўрни

Электрон тақдимотлардан дарсда намоиш ва кўргазмали материал сифатида фойдаланиш педагогга катта ёрдам беради. Ўқув материалнинг электрон тақдимотда анимациялар шаклида берилиши ўтилатган мавзунини тушунишни енгиллаштиради ва кўргазмалиликни оширади. Намойиш слайдларини ўқувчиларга тарқатма материал сифатида ҳам бериш мумкин.

Слайдларга нисбатан ўқувчилар ўзларининг фикрларини ёзади ва бу орқали улар ахборотлар билан ишлашнинг қуйидаги малакаларига эга бўладилар:

- график ахборотларни матн шаклига келтириш ёки тескариси;
- муҳокама этилатган мавзу бўйича хулосалар ва саволларни шакллантириш;
- ўзининг ўқув-билиш фаолиятини режалаштириш.

Бундай методика ўқитувчига янги ахборотларни кўпайтириб бориш, ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаси ўзгариши билан маълум бир мавзуга мўлжалланган слайдларни такомиллаштириб бориш имкониятини беради.

Методик жиҳатдан ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро мулоқоти икки турдаги таъсирдан иборат.

Биринчиси - ўқитишнинг маълум босқичида ўқувчига шу босқичдаги масалани тушунишга ёрдам берувчи йўналтирувчи саволлар.

Иккинчиси - масалани аниқлаштирувчи фикрлар ва ҳаракатлар усулини кўрсатиш.

Саволлар ва кўрсатмалар сони назарий ва амалий материалларнинг ўқувчи томонидан ўзлаштирилиши ҳамда малаканинг шаклланишига боғлиқ равишда берилади.

Амалий таҳлиллар таълим жараёнида катта самарага эга бўлиши учун ўқув жараёнида интерфаол, дидактик ўйинлар ва машқ қилдиргичлардан фойдаланишни тақозо этади. Улар ўқувчиларнинг жамоа бўлиб ёки индивидуал фаолиятини, касбий малака ва кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради. Интерфаол ўйинлар маълум бир касбий сифатларга ва малакага эга бўлажак ўқитувчи шахсини шакллантириш мақсадида келажакда касбий фаолияти билан боғлиқ вазиятларни моделлаштириш имкониятини беради. Айнан дидактик ўйинлар ва машқ қилдиргичларни яратиш электрон ўқув-методик мажмуалар яратишда катта қийинчиликлар туғдиради. Бу қийинчилик дастуриний-техник ва методик қийинчиликлар билан боғлиқ.

Электрон дарслик - компьютер технологияларига асосланган таълим методларидан фойдаланишга мўлжалланган ўқитиш воситаси бўлиб, ундан мустақил таълим олишда ва ўқув материалларини ҳар томонлама самарали ўзлаштиришда фойдаланиш мумкин. Электрон дарсликда фаннинг ўқув материаллари ўқувчига интерфаол усуллар билан, психологик ва педагогик жиҳатлар, замонавий ахборот технологиялари, аудио ва видео анимациялар имкониятларидан ўринли фойдаланилади.

Электрон дарсликларни лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш ва ўқув жараёнида кенг фойдаланиш долзарб масалага айланмоқда, чунки улардан оммавий равишда таълим соҳасида қўлланила бошланди. Охирги вақтларда электрон ўқув нашрларнинг турли хиллари яратилиб, улар ўз таркибига оддий гиперматн дарсликдан тортиб масофавий ўқитишнинг комплекс тизимларигача қамраб олмоқда.

Электрон дарсликларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- матннинг электрон версияси;
- китобнинг гиперматнли электрон версияси;
- график, жадвал, расмлар ва гиперматнлар мавжуд дарслик;
- анимация, овоз, график, жадвал, расмлар ва гиперматнлар мавжуд дарслик;
- анимация, овоз, график, жадвал, расм, гиперматнли ва тест тизимлари мавжуд дарсликлар.

Ушбу соҳанинг янгилиги ва ўқув-услугий таъминотнинг йўқлиги ишлаб чиқиладиган электрон дарсликларнинг сифат даражасига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Бундан ташқари, дарсликларни яратишнинг ягона стандартлари мавжуд эмаслиги ва дастуриний воситаларининг турли ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилиши электрон дарсликларни ўқув жараёнида самарали қўллашга тўсқинлик қиляпти дейиш мумкин. Шунинг учун ҳам яратилаётган электрон дарсликларни баҳолаш мезонларини белгилаб олиш лозим. Авваламбор, электрон дарсликлар ўтиладиган дарслар сифатини юксалтиришига қандай таъсир кўрсатишини билиш керак. Электрон дарсликларнинг анъанавий усулларга нисбатан қуйидаги афзалликларини келтириш мумкин:

1. Ўқув ахборотларининг тақдим этилиш шакли.
2. Керакли ахборотларни қидириш имконияти.
3. Олинган билимлар даражасини назорат қилиш усулларининг мавжудлиги.
4. Ўқитувчи билан тескари алоқанинг мавжудлиги.

Шулардан келиб чиқиб, электрон дарсликларни яратишнинг қуйидаги тамойилларини келтириш мумкин:

- мултимедиа маълумотлари (матн, график, аудио, видео, анимация) асосида ахборотларни тақдим этиш;
- кидириш ва йўллаш имкониятларини киритиш;
- олинган билимлар даражасини назорат қилишнинг объектив тизимини киритиш;
- тармоқ технологиялари асосида ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро интерактив ва тескари алоқасининг йўлга қўйилиши.

Электрон дарсликлардан ўқув жараёнида кенг фойдаланишнинг асосий муаммоси - бу компьютер экранидан катта ҳажмдаги ахборотларни ўқишдир. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун электрон дарсликларни матн ва овоз шаклида тақдим этиш мумкин. Бу икки усул битта ўқув материални турли шаклда тақдим этиши билан фарқланади, холос. Электрон дарсликнинг матн усулида материал, гиперматн кўринишида тақдим этилиб, унда график, чизма, диаграмма, фотография, анимация ва видео қўлланилади.

Электрон дарслик материали ўқитувчига диктор овози билан етказилиб, слайд-шоу кўринишдаги материал билан бирга берилади. Аудио ва видео ахборотларнинг ўзаро биргаликда қўлланиши ўқитиш самарадорлигини кескин юксалтиради.

Электрон дарсликни яратишда келажакда айрим муаммоларни ечиш лозимлиги аён бўлди. Шулардан асосийси, бу - ўзбек кирилл алифбосидаги «+», «Ф», «Ў», «Х» харфларини тўғридан-тўғри матнга киритишдир. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, электрон дарсликни олдин бирор бир нашриётда чоп этилган дарслик асосида яратиш лозим, чунки фойдаланилаётган материалларни таҳрир қилиш талаб этилмайди ва улардан скайнер орқали фойдаланиш мумкин бўлади. Бозор муносабатлари ахборот маҳсулотларининг янгилиги, ишончлилиги ва тўлиқлиги даражаларига юқори талаблар қўймоқда. Чунки бусиз самарали маркетинг, молия-кредит ва инвестиция фаолиятини юритиш мумкин эмас.

Сўнгги йилларда турли технологияларни видеолар, аниқроғи, видеодарслар орқали ўрганиш тобора одат бўлиб бормоқда. Сабаби маърузаларни видео шаклда ёзиш муаммо бўлмай қолди. Бунинг учун бир қанча технологияларни билиш кифоядир. Шунинг учун видеодарслар орқали ўрганиш оммавий тус олмақда. Ўзбекистон таълим тизимида ҳам улардан фойдаланилмоқда. Видеодарслар орқали ўрганиш жуда осон ва тез самара беради ҳамда ихтиёрий инсон ўз билимларини видео форматида ёзиб бошқаларга ўргатиш имконига эга бўлади. Эндиликда кўплаб қалин ва айрим тушунарсиз китобларни ўқишга вақт сарфланмайди. Уларнинг ўрнини видеодарслар эгаллайди.

Видеомаъруза ўзи нима? Ўқув видеомаъруза маълум бир соҳани ёки мавзунини ёритиб берувчи ўзига хос дарслар йиғиндиси. У ўзида амалий самарага эга, назарий ва методик материалларни қамраб оладиган видеороликлардан иборат бўлади. Видеомаърузалар тингловчиларга куйидаги имкониятларни беради: ўқитишнинг интерфаол усуллари кўллаш натижасида ўқув материални тўлиқ тушуниш самарадорлигини ошириш; маърузани ўрганаётганларнинг қизиқишини ошириш, турли психологик тўсиқларни енгиш ҳамда тақдим этилаётган материални тушуниш ва эса сақлашни осонлаштириш; ўқув жараёнини янада қизиқарли ва оммавий бўлишини таъминлаш; керакли назарий ва энг муҳими, амалий кўникмаларни ҳосил қилиш. Аксарият видеодарслар ўрганилаётган материални ҳаётга татбиқ қилишга ёрдам беради. Видеодарсларда муаллиф қўйилган муаммони батафсил ва ҳаммабоп тилда баён этишга ҳаракат қилади. Бу - тингловчилар билан ўзаро интерфаол алоқа ҳосил қилишга ёрдам беради. Ҳар бир видеомаъруза CD ёки DVD-дискдаги ўқув видеофилмлардан ҳамда бу видеомаърузани қандай кўллашга доир ўқув ва методик ёрдамчи материаллардан иборат бўлиб, бу материаллар маърузани фойдаланувчилар яқка ҳолда ёки гуруҳ бўлиб ўрганишида йўл-йўриқ кўрсатади.

Одатда, бу дискларда оммавий фойдаланувчиларга мўлжаллаб менюлар ишлаб чиқилади ва у орқали маърузанинг ихтиёрий дарсини кўриш мумкин бўлади. Видеороликлар барча компьютерларда ўқилиши мумкин бўлиши учун оммавий видеоформатларда ёзилади. Сўнгги вақтларда эса флаш-роликлар кўринишида видеодарсларни ёзиш ҳам одат бўлмоқда. Бунга асосий сабаб видео ҳажмининг кичик бўлишидир. Ўқув видеомаърузаси фақатгина видеофилм эмас. Ҳар бир видеомаъруза бир қанча ўзаро бир-бирини тўлдирувчи элементлардан иборат бўлиб, бу элементларни кўллаш таълим жараёнини соддалаштиради. Улар ёрдамида билим олиш таълимнинг бошқа одатий ва мултимедияли тизимларидан бир қанча афзалликларга эга: бирор-бир фанни, ҳунарни ёки технологияни ўрганиш учун ҳеч қаерга бориш шарт эмас, бемалол уйингизда ҳам ўрганишингиз мумкин; видеодарсларни кўриш учун ихтиёрий вақт ажратишингиз, куннинг исталган вақтида ўрганишингиз; мумкин, агар тушунмаган бўлсангиз, уни тўлиқ қайта ва ихтиёрий жойидан кўриш имконига эга бўласиз; видеодарслар ёрдамида таълим олишда одатий воситаларга нисбатан ўз вақтингиз ва маблағингизни тежайсиз; энг асосийси, видеодарсларда интерфаол муҳитнинг мавжудлигидир.

Ахборот маҳсулотларининг республикамиз ҳаётида тутган ўрни ва роли ижобий томонга ўзгариб бормоқда. Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари

бозори индустриясини таркиб топтириш жамиятимизда чуқур ижтимоий ўзгаришларга олиб келиб, уни «индустриалдан ахборотлашган жамиятга» айлантиришига ишончимиз комил.

1.2. Ўргатувчи видео маърузаларнинг яратишга мўлжалланган дастурий таъминот

Ҳеч кимга сир эмаски, ҳозирги кунда Интернет ва умуман, ахборот технологиялари ҳаётимизни кескин ўзгартириб юбормоқда. Жумладан, ахборот технологияларининг таълим тизимига татбиқ этилиши ўз самарасини бермоқда.

Китобларнинг электрон нусхалари пайдо бўлиб, барча жаҳон адабиётининг дурдона асарларини ўқиш имконига эга бўлди. Натижада, электрон кутубхоналар шакллана бошлади. Бу эса ўз навбатида, таълим тизими самарадорлигини оширди ва мукаммалаштириш имконини берди. Бундай кутубхона адабиётларидан фойдаланишда айрим ноқулайликлар юзага келади. Энг асосийси, компьютер монитори олдида узок ўтиришга тўғри келади. Бунда видеомаъруза ва видеодарслардан фойдаланиш муҳим ўрин тутди.

Сўнгги йилларда турли технологияларни видеолар, аниқроғи, видеодарслар орқали ўрганиш тобора одат бўлиб бормоқда. Сабаби маърузаларни видео шаклда ёзиш муаммо бўлмай қолди. Бунинг учун бир қанча технологияларни билиш кифоядир. Шунинг учун видеодарслар орқали ўрганиш оммавий тус олмоқда.

Ўзбекистон таълим тизимида ҳам улардан фойдаланилмоқда. Видеодарслар орқали ўрганиш жуда осон ва тез самара беради ҳамда ихтиёрий инсон ўз билимларини видео форматида ёзиб бошқаларга ўргатиш имконига эга бўлади.

Эндиликда кўплаб қалин ва айрим тушунарсиз китобларни ўқишга вақт сарфланмайди. Уларнинг ўрнини видеодарслар эгаллайди.

Бироқ ҳамма ҳам сифатли ва фойдали видеомаърузалар ва видеодарсларни ярата олмайди. Айтиш мумкинки, ҳозирги кунда турли хил веб-технологияларни, Photoshop ва Flash дастурларини ўргатувчи видеомаърузалар мавжуд. Уларнинг аксарияти рус ва инглиз тилида, шу боис, ўзбек тилида видеомаърузаларни яратиш долзарб масалалардан биридир. Веб-дастурлаш соҳаси бўйича Adobe Dreamweaver СС4 дастурини ўргатувчи мултимедияли ўқитиш тизими яратилган. Уларнинг мавжуд аналогларидан фарқи шундаки, видеодарслар тўлиқ ўзбек тилида яратилган. Фойдаланувчи менюси имкон даражасида соддалаштирилган.

Мултимедияли таълим тизимини яратишда бир қатор жараёнларни бажариш керак, жумладан, таълим соҳасини танлаш ва зарур фанларни таҳлил қилиш, видеодарслар ёзишга мўлжалланган дастурлар орасидан энг яхшисини танлаш, видеодарсларни ёзиш ҳамда монтаж қилиш ва бошқалардан иборат. Видеодарслар ёзадиган дастурлар бир нечтадир. Улардан **Webineria, UltraVNC Screen Recorder, Captivate, BB FlashBack Express, Camtasia Studio, Jing** кабиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Улар компьютер экрандаги ҳаракатлар, микрофондан овозларни ёзади ҳамда компьютерлар тушунадиган видео файллар форматига ўгириб беради. Бу воситалардан **Camtasia Studio** дастури ўзининг интерфейси, жуда кўплаб форматлари, видео файлларга турли хил белгилар ва изоҳлар қўйилиши, дарсларга менюлар ҳосил қилиниши билан ажралиб туради, шунингдек, бу дастур ёрдамида аудио файлларни ҳам яратиш мумкин. Дарс ёзиш давомида экраннинг керакли жойини алоҳида ажратиб кўрсатиш имкони ҳам мавжуд. Ана шу афзалликлари туфайли видеодарслар ёзувчи дастур сифатида **Camtasia Studio** танланди.

Camtasia Studio дастури тўртта ёрдамчи қисмлардан иборат: **Camtasia MenuMaker, Camtasia Player, Camtasia Theater** ва **Camtasia Recorder**. Дастурнинг асосий қисми, шубҳасиз, **Camtasia Recorder**. ҳисобланади. Барча дарслар айнан шу дастур ёрдамида яратилди. **Camtasia Studio** дастури ойнасининг пастки қисмида timeline деб номланувчи ишчи столи мавжуд бўлиб, у орқали аудио ва видео файллар устида турли хил амалларни бажариш мумкин.

Булар жумласига файлларни бир-бирига боғлаш, кераксиз қисмларни қирқиб ташлаш кабилар киради. Асосий ойнанинг марказида дастур ишлаши мумкин бўлган файллар рўйхатини кўрсатувчи «Корзина клипов» (Clip Bin) қисми жойлашган. Шу файлларни ўнг тарафдаги видеоплеерда кўриш мумкин. Бу кичкинагина **Camtasia Player** дастури фақатгина битта вазифани бажаради - AVI файлларини намойиш этади.

Таълим тизимида турли дарслар орасидан кераклисини топиш қийинчилик туғдириши мумкин. Бунинг учун фойдаланувчи учун навигация менюсини яратиш керак бўлади. Бундай навигация интерфейсини AutoPlay Media Studio дастури ёрдамида ҳосил қилиш мумкин. Мазкур дастур ёрдамида визуал объектларни қўллаган ҳолда мукамал навигацияни яратиш мумкин. Интерфейсда ҳосил бўладиган ҳар бир саҳифа худди веб-саҳифалар каби кўринишга эга бўлиб, саҳифалардаги объектларда турли хил амалларни белгилаш мумкин. Яратилган мултимедияли ўқитиш тизими фойдаланувчиларга дискда келади. Бу дискни компьютер дисководига қўйганда дискдаги ауторун.exe файли ишга тушади. Натижада фойдаланувчи учун қулай бўлган навигация менюси экранда ҳосил

бўлади. Шунингдек, асосий ойнада кириш дарсини ишга туширувчи тугма бўлиб, бу дарсада курснинг мақсади, ўргатадиган соҳанинг қисқача таҳлили ҳамда видеомаърузадан фойдаланиш кўникмалари ёритиб берилган. Экрандаги мос тугмага босилганда керакли бўлимнинг ички саҳифасига ўтилади. Бу саҳифада шу бўлимнинг дарслари жойлашган бўлади.

Видеомаърузадаги бирор-бир бўлимга кирилгандан сўнг асосий ойнага қайтиш учун навигация тугмалари мавжуд. Уларни қўллаб асосий ойнага қайтиш, навигация менюсини пастга тушириш ва навигация менюсини ёпиш мумкин. Мултимедияли қўлланманинг дастурий ва техник талаблари: ОТ : Windows 2000/ NT/XP/Vista; қаттик диск ҳажми: ихтиёрий; Оператив хотира: камида 128 МБ; Framework : ихтиёрий; Flash Player : ихтиёрий; Videocodek: TechSmith Screen Capture Codec; Audiocodek: Lame mp3.

2-боб. « Photoshop » дастурини ўргатувчи видео маърузаларни яратиш технологияси

2.1. Photoshop дастури хақида умумий маълумот

Аввалам бор видео маърузаларини тайёрлашдан олдин ўрганиладиган дастур ёки технологияни хақидаги маълумотларни саралаб олиш керак бўлади. Шунинг учун **“PhotoShop”** дастури хақида қисқача тўхталиб ўтамыз.


Adobe Photoshop Windows мухитида ишловчи Macintosh ва IBM PC компьютерлари учун мўлжалланган электрон кўринишдаги фототасвирларни таҳрир қилувчи дастурдир. Adobe Photoshop дастури Adobe system, Inc компанияси томонидан ишлаб чиқарилган бўлиб, ишлатишдаги алоҳида қулайликлари билан машҳур.

Adobe Photoshop тасвир таҳрир қилувчиси ёрдамида фотосуратларга қўшимчалар киритиш, фотосуратдаги доғларни ўчириш ва эски расмларни қайта ишлаш ва тиклаш, расмларга матн киритиш, қўшимча махсус эффектлар билан бойитиш, бир фотосуратдаги элементларни ўзгартириш, алмаштириш мумкин. Adobe Photoshop имкониятлари кенг қамровли бўлиб, у газета ва журналларни турли-туман расмлар билан бойитишда катта қулайликлар яратади.

Adobe Photoshop айниқса журналистларнинг, рассомларнинг ижодий имкониятларини тўла амалга оширишларида ёрдам беради. Журналистика ва бевосита матбуот ёки нашриёт соҳасига алоқадор бўлган шахсларнинг мазкур дастур билан ишлашни билиши улар учун қўшимча имкониятларни яратиб беради. Adobe Photoshop жуда мураккаб дастурдир. Фойдаланувчилар унинг асосий имкониятларидангина фойдаланадилар, холос.

Adobe Photoshop дастури **қуйидагича ишга туширилади :**

1. Пуск менюси **Программы** бандининг Photoshop белгисида «сичқонча» ни икки марта босилади.



1-расм. PhotoShop дастурини ишга тушириш.

2. Экрандаги мавжуд Adobe Photoshop учун махсус белгида «сичқонча» нинг чап тугмаси икки марта босилади.

Adobe Photoshop CSS дастуридан чиқиш учун қуйидаги усулларни биридан фойдаланиш мумкин :

1. **Alt + F4** тугмаларини босиш.
2. **Файл** менюси **Выход** буйруғини танлаш.
3. Экраннинг юқори қисми ўнг бурчагида жойлашган **X** белгисини босиш ёки **Закреть** буйруғини бажариш.


Саволларга қуйдагича жавоб бериш зарур :

ДА – сўнги киритилган ўзгаришларни сақлаш ва Adobe Photoshop дастуридан чиқиш учун.

НЕТ – киритилган ўзгартиришлар сақланмаган ҳолда Adobe Photoshop дастуридан чиқиш учун.

Отмена - Adobe Photoshop дастурида ишлашни давом эттириш учун.

Adobe Photoshop дастури ишга туширилгандан сўнг экранда Adobe



2-расм. Photoshop дастуридаги файлни сақлашни сўраш ойнаси.

Photoshop тасвир тахрир килувчи ойнаси ҳосил бўлади.

Adobe Photoshop ойнасининг юқори қисмида сарлавҳа сатр ва Windows га хос элементлар жойлашади. Сарлавҳа сатридан сўнг меню сатри жойлашади. Менюдаги керакли буйруқларни танлашингиз мумкин.

Adobe Photoshop дастури менюси 9 банддан иборат. Ҳар бир меню таркибида очиладиган меню бандлари мавжуд. Уларни кўриш курсор ёрдамида амалга оширилади.

Инструментлар панели.

Adobe Photoshop дастури дарчасида турли асбоблар тугмалари жойлашган. Ҳар бир тугма Adobe Photoshop дастурининг бирор буйруғини англатади. Агар дарчада асбоблар панели бўлмаса, меню сатринг **Окно** пунктида **Вкл. Панель** буйруғини танланг.

Adobe Photoshop дастурида жами 46 та асбоблар мавжуд бўлиб, улардан 20таси бевосита дастур ишга туширилганда дарчада кўзга ташланиб туради. Қолганларини кўшимча буйруқларни бажариш орқали ишга тушириш мумкин. Агар асбоблар панелида жойлашган тугманинг остки қисм ўнг бурчагида кичик учбурчак шакли тасвирланган бўлса, бу тасвир ушбу тугма таркибида ўхшаш буйруқни бажарувчи асбоблар яширинганлигидан дарак беради.

Яширинган асбобни активлаштириш учун курсорни махсус белгили тугма устида «сичқонча» нинг чап тугмасини босган ҳолда асбоблар панелидан ташқарига олиб чиқарилади ва керакли тугма устида курсорни қолдириб «сичқонча» нинг чап тугмаси кўйиб юборилади.

Ҳар бир тугмага курсор яқинлаштирилса, курсор белгиси остидаги асбобнинг кандай вазифани бажариши хақидаги ахборот пайдо бўлади.

Қуйида Adobe Photoshop дастурида ишлаш жараёнида кенг қўлланиладиган асбобларнинг қисқача тавсифи келтирилади.

 Прямоугольная область. Тасвирда тўғри тўртбурчак шаклидаги майдонни белгилаб олиш учун қўлланилади. Бу асбоб ёрдамида тасвирдаги алоҳида майдонни белгилаб олингандан кейин тасвирга киритилган барча ўзгаришлар фақат белгиланган майдон ичига таъсир этади. Ушбу тугма қўшимча тарзда Shift клавиши ишлатилса, белгиланган майдон худуди ортади. Shift клавиш ўрнида Alt клавиши қўлланилган тақдирда белгиланган майдон худуди қисқаради. Ушбу амал Лассо ва Волшебная палочка асбоблари билан ишлашда қўлланилади.

 Эллиптическая область : Тасвирда доира шаклидаги майдонни белгилаб олиш учун қўлланилади. Бу асбоб ёрдамида тасвирдаги алоҳида майдонни белгилаб олингандан кейин тасвирга киритилган барча ўзгаришлар фақат белгиланган майдон ичига таъсир этади.

Строка пикселей : тасвирда горизонтал шаклдаги чизиқни белгилайди. Амалда бу асбоб жуда кам қўлланилди.

Столбец пикселей : Тасвирда Вертикал шаклдаги чизиқни белгилайди. Амалда бу асбоб ҳам жуда кам учрайди.

 РАМКА : Ушбу асбоб, асосан тасвир четларини ва кераксиз қисмларини кесиб ташлаш учун қўлланилади. Бу буйруқ активлаштирилганда тасвир юзида тўғри тўртбурчак шаклидаги рамка ҳосил бўлади. Рамканинг четлари кичик квадратлардан иборат бўлиб, бу квадратчалар ёрдамида рамка ҳажми ўзгартирилади. Тасвир рамка остига олингандан сўнг ENTER клавиши босилса, рамка ташқарисида қолган ортиқча бўлақлар кесиб ташланади. Ушбу буйруқни Esc клавишини босиб рад этиш мумкин.

 ПЕРЕМЕШЕНИЕ : Ушбу асбоб тасвирдаги белгиланган мадонни ёки қатламни силжитиш ва кесиб олиш учун хизмат қилади. ПЕРЕМЕШЕНИЕ буйруғини бажарадиган айни жараённи бошқа айрим асбоблар (масалан

 ВОЛШЕБНАЯ ПАЛОЧКА асбоби) ёрдамида ҳам амалга ошириш мумкин.



ЛАССО : тасвирдаги турли шаклдаги объектларни белгилаш учун ишлатилади.



МНОГОУГОЛЬНОЕ ЛАССО : Асосан тасвирдаги тўғри чизиқлардан иборат объектларни белгилашда ишлатилади. Alt клавиши қўлланилганда оддий ЛАССО асбоби вазифасини бажаради.



МАГНИТНОЕ ЛАССО : Бу асбоб ишлатилганда Adobe Photoshop дастури тасвирдаги объект чегараларин ўзи белгилайди. Аммо бу асбоб пексиллардаги рангларни ўзгаришига боғлиқ тарзда чегараларни аниқлаши боис кам қўлланилади.



ВОЛШЕБНАЯ ПАЛОЧКА : Бир-бирига яқин бўлган рангдаги пексиллар жойлашган майдонни белгилайди. SHIFT билан биргаликда қўлланса, белгиланган майдон ҳажми ортади. Alt билан ишлатилганда эса белгиланган майдон ҳажми камаяди.



АЭРОГРАФ : тасвирини бўяшда ишлатилади. Аэрографни бир жойда ушлаб туриш сиёҳни тасвир бўйла ёйилиб кетиш эффеқтини беради. Бўёқнинг тасвир бўйлаб оқиши курсорни қўйиб юборгунча давом этади. Одатда бу асбоб юмшоқ чўткалар ишлатилади. АЭРОГРАФ курсорни ушбу асбоб устида босиш ёки клавиатурадаги J клавишини босиш орқали активлаштрилади.



КИСТЬ : Аэрограф асбоби каби тасвирни бўяшда ишлатилади. Аммо КИСТЬ ёрдамида тасвирни сифатли бўяш мумкин. Бу сбоб аэрографга нисбатан кўп қўлланилади. КИСТЬ асбобини B клавишини босиш орқали активлаштириш мумкин. Brushes дарчаси ёрдамида бўёқ чўткаларини шаклини ўзгартириш мумкин.



ШТАМП : тасвирдаги кичик бир бўлак нусхасини кўчириш учун ишлатилади. Бу асбоб тасвирдаги айрим нуксонларни, доғларни йўқотиш ва эски расмларни тиклашда кенг қўллнаилади.



КИСТЬ ПРЕДЫДУЩИХ СОСТОЯНИЙ : Бу асбоб тасвир ҳақидаги дастлабки маълумотлар асосида ишлайди. Унинг ёрдамида тасирга киритилган сўнги ўзгартиришларни бекор қилиш мумкин.



ЛАСТИК : тасвирни ўчириш учун ишлатилади. У қўлланганда тасвирда фон қайси рангда бўлса, ўша рангдаги чизиклар ҳосил бўлади. Alt клавишини қўллаш ёрдамида компьютер хотирасига олинмаган сўнги ўзгартиришларни бекор қилиш мумкин. ЛАСТИК асбоби E клавишни босиш орқали активлаштирилади.



КАРАНДАШ : турли чизикларни чизиш учун фойдаланилади. Alt клавиши босилганда курсорнинг экрандаги тасвири ўзгаради ва бевосита тасвирдан керакли рангни танлаш мумкин. Бу амал бажарилагандан сўнг ўша рангда чизик тортади.

ЛИНИЯ : Тўғри чизикларни чизишда қўлланилади.



РАЗМЫВКА : Ушбу асбоб ишлатилганда, тасвирдаги ёрқинлик пасаяди. Alt клавиши билан қўлланганда ёрқинлик ортади.



РЕЗКОСТЬ : ушбу асбоб ишлатилганда тасвирдаги ёрқинлик ортади. Alt клавиши билан қўлланганда эса тасвир ҳиралашади.



ПАЛЕЦ : тасвирдаги ранглار чайқалтириб, тасвирдаги объектлар ўртасидаги чегараларни бир-бирига қўшишга хизмат қилади.



ОСВЕТИТЕЛЬ : пикселлардаги ранглар ёрқинлашади. Alt клавиши билан қўлланганда эса пикселлардаги ранглар ҳиралашади.



ЗАМЕНИТЕЛЬ : тасвир устида ҳаракатлантирилганда пикселлардаги арннглар корамтил тус олади.



ГУБКА : Тасвир устида ҳаракатлантирилганда, тасвирдаги ранглар миқдори пасаяди. ГУБКА бир жойда кўп айлантилса, тасвирнинг ўша жойи кулранг тус олади.



ПЕРО : перони тасвир устида ҳаракатлантирилганда, нукталар ҳосил бўлади. Ушбу нукталар ёрдамида чизилган тасвирни ўзгартириш мумкин.

МАГНИТНОЕ ПЕРО : бу асбоб худди магнитное лассо каби ҳаракатланади. Бирор бир тасвирдаги объект атрофида ҳаракатлантирилганда, Adobe Photoshop дастурининг ўз объект четларини белгилаб чиқади.



ПРОИЗВОЛЬНОЕ ПЕРО : жуда қулай асбоб бўлиб, Хохлаган шаклдаги тасвирни у ёрдамида ифодалаш мумкин.



ВСТАВИТЬ ТОЧКУ : бу асбоб перо ёрдамида чизилган чизик устига қўшимча нукталарни қўшади.



УДАЛИТЬ ТОЧКУ : перо ёрдамида чизилган чизик устидаги ортиқча бўлган нукталарни ўчиради.



НЕПОСРЕДСТВЕННОЕ ВЫДЕЛЕНИЕ : у ёки бу перо билан чизилган чизикларни таҳрир қилиш учун хизмат қилади.

Унинг ёрдамида чизикдаги нукталарни яқка тартибда ҳаракатлантириш ва керакли жойга силжитиш мумкин.

ПРЕОБРАЗОВАТЬ ТОЧКУ : Тасвир устида чизилган чизикчаларда ўрнатилган ҳар бир нукта, бурчак ёки ёй вазифасини бажаради. Ушбу асбоб ёрдамида нукталарнинг вазифаларини ўзгартириш, яъни ёйни бурчакка ва бурчакни ёйга алмаштириш мумкин. Бунинг учун курсорни нукта устига олиб бориб «сичқонча» нинг чап тугмаси бир марта босилади.



ТЕКСТ : ушбу асбоб ёрдамида тасвирга турли матнларни киритиш мумкин. **ТЕКСТ** асбоби активлаштирилиб, курсор тасвир устида босилса, матн киритиш учун алоҳида

дарча ҳосил бўлади. Бу дарчада ҳарф ўлчами, тури, ранги ва бошқа ўлчамлари киртилади. Бу асбоб ёрдамида киритилган матнлар қайта таҳрир қилиш имкони мавжуд эмас.Текст асбоби активлаштирилиб, курсор тасвир устида босилади, матн киритиш учун алоҳида дарча ҳосил бўлади. Бу дарча ҳарф ўлчами, тури ранги ва бошқа ўлчамлари киртилади. Бу асбоб ёрдамида киритилган матнни қайта таҳрир қилиш имкони мавжуд эмас.



ТЕКСТ –МАСКА : ТЕКСТ асбоби каби бу асбоб активлаштирилиб, матн устида бир марта босилиганда, **ТЕКСТОВЫЙ ИНСТРУМЕНТ** дарчаси ҳосил бўлади. Лекин бу марта оддий текстдан тубдан фарқ қилади. Ҳарфларнинг чети ҳудди ЛАССО асбобида белгилаш каби кўринишга эга бўлади. Ҳарфларни турли рангларга бўяш ва ПЕРЕМЕШЕНИЕ асбоби ёрдамида ўрнидан силжитиш ёки бошқа расмга олиб ўтиш мумкин.



ВЕРТИКАЛ ТЕКСТ : агар тасвирга пастдан юқорига шаклда (вертикал шаклда) матн киритмоқчи бўлсангиз ушбу асбобдан фойдаланишингиз мумкин.



ВЕРТИКАЛЬНАЯ ТЕКСТ –МАСКА : Ҳудди ТЕКСТ –МАСКА асбоби бир ҳил вазифани бажаради. Аммо бу асбоб қўлланганида ҳарфлар устма-уст устун каби жойлаштирилади.

ИЗМЕНИТЬ : Тасвирда турли ўлчовларни бажариш учун ишлатилади. Бу асбоб билан бир нуқтадан иккинчи нуқтага курсор олиб борилиши кифоя. Adobe Photoshop дастури автоматик тарзда икки нуқта орасидаги масофани ўлчайди.



ГРАДИЕНТ : бу асбоб ишлатилганда, тасвирдаги белгиланган майдонда ранглар комбинацияси ҳосил бўлади. Асосий рангнинг тасвир фонига сизиб ўтиш эффекти ҳосил бўлади.

КОВШ : ушбу асбобдан, асосан, тасвирни ёки тасвирдаги ажратиб олинган ҳудудни бўяшда фойдаланилади. Рангларни қўшимча буйруқларни бажариш орқали танланади. Бу асбобни активлаштириш учуни К клавиши босилади.



ПИПЕТКА : тасвирдаги асосий ёки тасвир фони рангини ўзгартиради, ПИПЕТКА тасвир устидаги бирор нуқтада ранг сифатида танланади. Агар айни жараёнга Alt қўшилса, танланган ранг тасвир фонини ўзгартиришга олиб келади.


ВЫБОРКА ЦВЕТОВ : Ушбу асбоб тасвирдаги ранглар ҳақида ахборот олишга хизмат қилдаи. ИНФО дарчасида белги қўйилган нуқтада неча фоиз қизил, кўк ва қора ранглар мавжудлиги ҳақидаги ахборот ҳосил бўлади.



РУКА : тасвирнинг кўзга ташланмай турган қисмларини кўрсатади. Бунинг учун ушбу асбоб активлаштирилиб тасвир устида «сичқонча» нинг чап тугмасини босган ҳолда керакли томонга ҳаракатлантирилади. Айни жараёни Adobe Photoshop дастури дарчасидаги НАВИГАТОР ёрдамида ҳам амалга ошириш мумкин.



МАСШТАБ : тасвирни катталаштириш ёки кичрайтириш учун хизмат қилади. Агар ушбу асбоб билан биргаликда Alt клавиши ишлатилса, тасвир кичраяди. Курсор ушбу асбоб активлаштирилгандан сўнг ўз шаклини ўзгатиради ва лупа кўринишини олади. Курсор тасвирнинг қайси нуқтасида босилса, Adobe Photoshop дастури автоматик тарзда ўша нуқтани экранга яқинлаштирилади. МАСШТАБ асбобини активлаштирилиб, ENTER клавиши босилса, ОПЦИЯ МАШТАБИРОВАНИЯ дарчаси очилади. Бу дарчада махсус тўртбурчак ичига белги қўйилади, тасвир ўлчамлари ўзгартирилганда тасвир дарчаси ҳам мос тарзда ўзгартирилади. Ҳар сафар тасвир ўлчамлари катталаштириш ёки кичрайтириш учун МАСШТАБ асбобини активлаштириш зарур эмас. Бошқа асбоб билан ишлаш пайтида Ctrl+ ПРОБЕЛ босилса, ишлатилаётган асбоб вақтинчалик МАСШТАБ асбобини вазифаси бажаради ва тасвир катталашади. Ctrl + ПРОБЕЛ ўрнида Alt +ПРОБЕЛ қўлланилса, тасвир ўлчами кичраяди. Шунингдек, тасвир ўлчамини Ctrl+ (плюс) клавишлари ёрдамида катталаштириш ёки Ctrl- (минус) ёрдамида кичрайтириш мумкин. Adobe Photoshore дастури дарчаси остида СТРОКА СОСТОЯНИЯ сатрида тасвир ўлчамлари ҳақида ахборот берувчи махсус дарча мавжуд. Бу дарчада тасвир ўлчамлари сонларда ифодаланган. Ушбу сонларни ўзгартириш орқали тасвирнинг аниқ ўлчамлари киритилади.



ОСНОВНОЙ ЦВЕТ : ушбу асбоб устида курсор икки марта кетма-кет босилганда Adobe Photoshore дастурининг янги дарчаси (ВЫБОР ЦВЕТА) ҳосил бўлади. Бу дарчада керакли ранг танланиб, ОК ёки ENTER тугмаси босилади ва танланган рангни КАРАНДАШ, КИСТЬ, АЭРОГРАФ, ГРАДИЕНТ каби асбоблари ёрдамида қўллаш мумкин.

ЦВЕТ ФОНА : Ушбу тугма устида курсор («сичконча» тугмаси) икки марта босилганда Adobe Photoshore дастурининг янги дарчаси (COLOR PICKER) ҳосил бўлади. Бу дарчада тасвир фонининг ранги аниқланади. Тасвир фонидаги ранг ЛАСТОЧКА ва ГРАДИЕНТ асбоблари учун қўлланилади.

 **ПЕРЕКЛЮЧЕНИЕ ЦВЕТОВ** : ушбу белги устида курсорни босиш асосий ранг билан тасвир фони ранглари ўрни алмаштирилади.

 **ЦВЕТА ПОУМОЛЧАНИЮ** : бу белги устида курсорни бир марта босиш биланг асосий ранг қорага ва тасвир фони ранглари оққа айланади.

 **МАРШИРУЮЩИЕ МУРАВЬИ** : бу тугма ёрдамида Adobe Photoshop дастурида тез ниқоблаш ҳолати бекор қилинади. Экранда белгилаш чегаралари чумолилар харакатини эслатувчи пунктир чизик ёрдамида акс эттирилади. Бу Adobe Photoshop дастурида, одатда, стандарт ҳолат деб аталади.

 **БЫСТРАЯ МАСКА** : ушбу тугма устида курсор бир марта босилиши билан Adobe Photoshop дастури тез ниқоблаш ҳолатига ўтади ва натижада тасвирдаги ниқобланмаган худуд қизил ранг билан бўялади. Ушбу асбоб тасвирдаги турли объектларни аниқ ниқобланишда ишлатилади. КИСТЬ асбоби ёрдамида ниқобга ишлов бериш мумкин. Бунда қора ранг билан тасвир ниқобланади, оқ ранг билан тасвир ранги ниқоб ўлчирилади.

 **СТАНДАРТНОЕ ОКНО** : асбоб активлаштирилганда тасвир стандарт ҳолатда бўлади.

 **ПОЛНЫЙ ЭКРАН С МЕНЮ** : бу ҳолат тасвир компьютер экранига сиғмаган ҳолда ишлатилади. Ушбу асбоб активлаштирилганда экранда меню сатри ҳамда асбоблар панели қолади.

 **ПОЛНЫЙ ЭКРАН** : экранда фақат тасвир ва асбоблар панели ҳамда меню сатри қора фонда қолади.

Видео маърузада кўпроқ амалиётга тўхталишимизни инобатга олган ҳолда бир неча амалий ишланмаларни ҳам кўриб чиайлик.

«Adobe Photoshopда слойлар билан ишлаш»

Вазифани бажариш технологияси

1. Фойдаланиладиган файлларни юкланг, бунинг учун шар бир файл учун қуйидаги буйруқларни кетма-кет беринг:
Файл ▶ Открыть ▶ керакли файлни кўрсатинг(End05.psd, Start05.psd, Horn.psd, CD.psd, Tour.psd) ▶ Открўть
2. Файлни сақлаш
 - ✓ Start05.psd файл ойнасини фаоллаштиринг
 - ✓ Файл ▶ Сохранить как... буйруқини беринг
 - ✓ Файл сақланадиган жойни кўрсатинг–
 - ✓ D:\Работў_учащихся\<Ўқитувчи фамилияси >\< Ўқувчи фамилияси гурух_№ >
 - ✓ Work05.psd деб файлга ном беринг
 - ✓ Сохранить тугмасини босинг
3. Слойларни кўриш:
3-расм. Слойлар ойначаси.

Photoshopдаги шар бир тасвир бир ёки бир неча слойлардан иборатдир; Шар бир янги файл камида битта слойга эга бўлади ва у «Фон» деб номланади. Файл рўйхатини кўриш учун слой палитрасини фаоллаштириш керак –



Окно ▶ Показать слой

Бизнинг холатда учта слой: Background, Notes, Background мавжуд бўлиб, фақат охириги кўриниб турибди:.

Notes слойини кўринадиган шолатга келтириш учун Слой палитрасида мос слойнинг Видимость ускунасини босинг.

4. Янги слой қўшиш (Горн тасвири)

Янги слой қўшиш учун махсус – Слой ► Новўй ► Слой... буйру\ини бериш керак.

Агар бирор тасвир қисмини нухалаб, «Вставить» буйру\ини берсак автоматик равишда янги слой қўшилади, худди шуни бажарамиз:

- ✓ Horn.psd файл ойнасини фаоллаштиринг
- ✓ Вўделить ► Вўделить все буйру\ини беринг
- ✓ Сўнгра Правка ► Копировать
- ✓ Work05.psd файл ойнасини фаоллаштиринг
- ✓ Правка ► Вставить буйру\ини беринг

P.S. Бизнинг тасвирга автоматик равишда янги – Слой1 қўшилди


5. Слойни қайта номлаш

- ✓ Слой 1 нинг контекст менюсини чақиринг
- ✓ Установки слоя ... буйру\ини беринг
- ✓ Имя майдонига – Horn номини киритинг

6. Horn слойини тащирлаш

Horn слойидаги горн тасвирининг атрофидаги **ок рангни ўчириш** учун:

- ✓ Horn слойи фаол эканлигини текширинг
- ✓ Ўчириладиган майдонни аниқ кўриш учун, қолган слойларни ўчириб турамыз (Background, Notes).
- ✓ Волшебная палочка ускунасини фаоллаштиринг



4-расм. Цветовой ряднинг контекст менюси ойначиси

- ✓ Цветовой ряд...нинг контекст менюсини чақиринг
- ✓ Очилган мулоқот ойнасида мос параметрларни беринг:
Тасвирга опция қўйинг, ўчириладиган рангни танланг
- ✓ ОК


- ✓ Ажратилган жойни Delete тугмаси орқали ёки Правка ▶ Очистить буйруғи ёрдамида ўчириш.

Норн слойини бошқа жойга **қўчириш учун** Сдвиг ускунасида фойдаланинг.

Норн слойи тасвири рангини оригиналдаги(End05.psd) рангга мослаштириш учун

«Цветовой балансдан» фойдаланиб уни созланг:

- ✓ Норн слойи фаол турганлигини текширинг
- ✓ Изображение ▶ Настройка ▶ Цветовой баланс... буйруғини беринг
- ✓ Очилган мулоқот ойнасида қуйидаги параметрларни киритинг:
Фиолетовый-Зеленый – -50, Желтый-Синий – -80.



5-расм. Цветовой баланс ойнаси.

- ✓ ОК


7. Background слойини таҳрирлаш

Background слойида **тўлқин эффекти**ни бериш учун:

- ✓ Background слойи фаол турганлигини текширинг
- ✓ Фильтр ▶ Искажение ▶ Волна буйруғини беринг
- ✓ Очилган мулоқот ойнасида қуйидаги параметрларни киритинг:

Длина волнў: min – 10, max – 185; Амплитуда: min – 7, max – 7; Тип – Синус.

✓ ОК



6-расм. тўлқин эффектени бериш ойначаси.

8. Янги слой қўшиш (CD тасвир)

CD тасвирини бизнинг композицияга қўшиш учун нусхалаш ва қўйиш буйруқларидан фойдаланамиз:

- ✓ CD.psd слойи ойнасини фаоллаштиринг.
- ✓ Майдонни айлана бўйлаб(CD атрофида) ажратиш учун Эллиптик ажратиш ускунасини фаоллаштиринг, кўрсаткични тахминан ажратилиш марказига олиб боринг ва Alt тугмасини босган холда чап тугма билан тортинг, марказга нисбатан ажратади, агар аниқ айлана бўйлаб ажратиш керак бўлса, Shift тугмасини босган холда тортилади.
- ✓ Сўнгра Правка ► Копировать
- ✓ Work05.psd файл ойнасини фаоллаштиринг.
- ✓ Правка ► Вставить буйруқини беринг

P.S. Бизнинг тасвирга автоматик равишда янги слой қўшилди – Слой1


Шу щосил бўлган слойни CD деб қайта номланг (пункт 5га қаранг)

9. CD слойини тащирлаш

Слойни масштабини ўзгартириш учун:

- ✓ CD слой фаол бўлиши керак

- ✓ Правка ▶ Трансформ ▶ Масштаб буйру\ини беринг
- ✓ Курсорни маркернинг учларидан бирига олиб бориб (курсор «↔») кўринишига келади) CDнинг размерини ўзгартиринг.



7-расм. Активлаштирилган слойни белгилаш.

Слойни **айлантириш** учун:

- ✓ CD слой фаол бўлиши керак
- ✓ Правка ▶ Трансформ ▶ Вращать буйру\ини беринг
- ✓ Курсорни маркернинг учларидан бирига олиб бориб (курсор эгик стрелка кўринишига келади) CDни айлантиринг.

Слой кўриниши **режимини ўзгартириш** учун:

- ✓ CD слой фаол бўлиши керак
- ✓ Слой палитрасида режим рўйхатидан Мульти режимини ўрнатиш

Слойнинг **шаффофлигини ўзгартириш** учун:

- ✓ CD слой фаол бўлиши керак
- ✓ Слой палитрасида регуляторнинг «Непрозрачность»ини 40% га қўйинг.

Слойлар **кетма-кетлиги тартибни ўзгартириш** учун:


- ✓ Notes слойи энг юкорида турган бўлиши керак.
- ✓ CD слойини (палитра Слоида) чап тугма билан ушлаган холда Notes слойининг тагига олиб келинг



8-расм. Слойни фаоллаштириш.

Матн қўшиш:

- ✓ CD слойини фаоллаштиринг
- ✓ Печать ускунасини фаоллаштиринг
- ✓ Матн ёзиладиган жойда чап тугмани босинг
- ✓ Мулоқот ойнаси очилади, матн дарчасига – mezzo forte ёзиб, шрифт, размер, ранг беринг.



10-расм. Чоп этиш асбоблари ойнаси.

- ✓ ОК
- ✓ Матнни намунадагидек жойлаштиринг.

11. Слойга эффект бериш

- ✓ Матн слойини фаоллаштиринг

✓ Слой ► Эффекты ► Рельефность... буйру\ини беринг


✓ Керакли параметрларни ўрнатинг. Масалан:

Подсветкабўлимида: Режим – Экран, Прозрачность – 75%, цвет – оқ

Тень бўлимида: Режим – Норма, Прозрачность – 75%, цвет – қора

Стиль рўйхатидан – Внутренняя граница танланади

Размўтие – 3 пиксел, Глубина – 3 пиксел.




11-расм. Эффектларни сошлаш ойнаси.

✓ Эффекту рўйхатидан – Наложить тень эффектини танланг

✓ Ушбу эффектни кўшиш учун «Применить»га байроқча ўрнатинг

✓ Керакли параметрларни ўрнатинг. Например:

Размўтие – 3



12-расм. Рамка учун эффектларни сошлаш ойнаси.

12. «Рамка»га эффект қўшиш:

- ✓ Щамма слойлардан юқорида янги слой щосил қилинг
- ✓ Слойга оқ рангда заливка беринг
- ✓ Тўртбурчак ажратиш ускунасини фаоллаштиринг
- ✓ Опция палитрасида допускка 2 пиксел қўйинг
- ✓ Тасвирдан бир оз кичикроқ тўртбурчак майдон ажратинг.
- ✓ Ажратилган майдонни ўчиринг.



13-расм. Слойни белгилаш ва созлаш.

13. Иш натижасини ўз папкангизда сақланг пункт 2га қаранг)

2.2. Photoshop дастурини ўргатувчи видеомануалларни CamtasiaStudio дастурида яратиш

Ҳозирда деярли барча соҳанинг электрон қўлланмалари мавжуд. Бирок ахборотнинг инсонларга нафи тексагина фойдали бўлади. Шундай экан, мултимедияли ўқитиш тизимлари тайёрлашда ҳам ана шу жиҳатга эътибор қаратиш зарур. Зеро бугунги кунда бирор-бир мавзу ёки технологияни ўрганишнинг бундан осонроқ усули мавжуд эмас.


Умуман олганда ҳам эшитиб ҳам кўриб ўрганиш жуда қулай хисобланади. Шунини инобатга олган ҳолда ушбу битирув малакавий ишда “**Camtasia Studio**” дастури имкониятларидан фойдаланиб “**PhotoShop**” дастурини ўргатувчи виде мануалларни яратдим.

Camtasia Studio дастури ҳақида юқори бўлимларда гапириб ўтган эдик. Энди эса унинг ишлаш усуллари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Camtasia Studio дастурининг тизимда юкланиши қуйидагича:



14-расм. Camtasia Studio дастури юклаш ойнаси.



15-расм. Camtasia Studio дастурини муҳаррирининг умумий кўриниши.

Camtasia Studio дастурини муҳарририда 4 та асосий бўлим мавжуд:

1.Task List- мавжуд имкониятлар бўлими. Бу бўлимда овоз ёзиш, PowerPoint га яратилган файлни тадбиқ қилиш ойналарини очиш мумкин.

Add қисмида:

“**Import media**”- тайёр видео файлларни очиш;

“**Title clips**”- тайёрланаётган видео файлга ёзувлар қўйиш;

“**Voice narrayion**”- овоз ёзиш;

“**Record camera**”- видео камерада олинган файлларни тахрир қилиш ойналарини очиш имкониятлари жойлаштирилган.

Edit қисмида:

“**Audio enhancements**”- товишларни қайта ишлаш;

“**Zoom-n-Pan Properties**” – Жорий файлни турли-ҳил ўлчамларда қайта ишлаш;

“**Callout Properties**”- турли-ҳил автоматик фигуралар қўйиш ва тахрирлаш;


“**Transitions**”- ҳар-ҳил анимациялар қўйиш;

“**Open caption**”- файлларни бошланғич ҳолати белгиланади;

“**Flash quiz and survey Meneger**”- макромедиа флеш дастурида тузилган проектларни қўшиш ойналарини очиш имкониятлари жойлаштирилган.


“**Produce**” қисмида:

Тайёрланган проектни тарли-ҳил форматларда ва ҳаттоки **DVD** ва **CD** дискларга ёзиш имкониятлари жойлашган.




16-расм. “Produce”- тадбиқ қилиш ойнаси.

2. “Clip Bin” 1-бўлимда танланган имконитларни ойнасини кўрсатиш бўлими.
“Import media”




17-расм. Клиплар жойлашадиган ойна.

“Title clips”




18-расм. Клипларни тахрирлаш ойнаси.

“Voice narration”




19-расм. Овозли маълумотларни тахрирлаш ойнаси.

“Record camera”




20-расм. Ҳаракатларни видеога олиш ойнаси.

“Audio enhancements”




21-расм. Ёзилган овозли ёзувларни созлаш ойнаси.

“Zoom-n-Pan Properties”




22-расм. Жорий видео файлини катталаштирилган ҳолда кўриш ойнаси.

“Callout Properties”




23-расм. Жорий видео файлни тахрирлаш ойнаси.

“Transitions”




24-расм. Мавжуд анимациялар ойнаси.

“Open captions”



25-расм. Мавжуд анимациялар ҳолатини соzлаш ойнаси.

“Flash quiz and survey Meneger”




26-расм. Виде файлларнга тестлар тузиш ойнаси.

Юқорида **Camtasiya Studio** дастурида кўрсатиб ўтилган ишлаш усулларини билган ҳолда видеоманъузани яратиш кетма кетлигини кўрсатиб ўтаман.


- 1- PhotoShop дастури ишга туширилади ва видеога олиш жараёнига тайёр ҳолатига келтирилади.

- 2- **Camtasiya Studio** дастурини ишга тушириб **New Screen Recording** бўлими танланади ва экраннинг керакли қисми танланади амалий машғулотлар **PhotoShop** да давом эттирилади:




27-рasm. Видеога олиш чегараларини белгилаш.

- 3- Машғулот якунлангандан сўнг **stop** тугмаси босилади ва олинган видеони мантаж қилинади:



28-рasm. Видео файлини таҳрирлаш.

- 4- Тайёр видеога энди овоз ёзилади:



29-расм. Видео файлни овозларини тахрирлаш.


- 5- **Voice naretion** бўлими очилиб **Start recording** буйруғи бериди сўнгра видео файл охирида **Sttop recording** буйруғи бериди ва фвйл **avi** кенгайтмали файл қилиб сақланади: Яъний куйидагича:

Produce video as буйруғи берилади:




30-расм. Видео файлни яратиш.

- 6- Файл фармати танланади ва бир неча босқич сўровномалар тўлдирилади яъний унинг номи, проектнинг номи, очилишда юзаган келадиган муаммоларда экранга қандай маълумот кўринишини, HTML кўринишини ҳам белгилаши мумкин:




31-рasm. Видео файлни яратишни тахрирлаш.

7- Дале тугмасидан сўнг:




32-рasm. Видео файлни яратишни тахрирлаш.

8- Дале тугмасидан сўнг:




33-расм. Видео файлни яратишни тахрирлаш.

9- Дале тугмасидан сўнг:




34-расм. Видео файлни яратишни тахрирлаш.

10- Готов тугмасидан сўнг:



35-расм. Видео файлни яратишни тахрирлаш.

11- Да тугмасини босгандан сўнг видеомаруза тайёр ҳолга келади ва **Camtasiya Studio** дастурида автоматик равишда ишлайди. Агар файлда қандайдир жойи нотўғри бўлса шу жони кесиб ташлаб шу тарзда қайта сақланади.




36-расм. Видео файлни яратишни тахрирлаш.

2.3. Photoshop дастурини ўргатувчи видеомарузалардан фойдаланиш усуллари

Талабаларга яратилган файлдан фойдаланиш жуда ҳам қулай ҳисобланади. Яъний **avi** кенгайтмали файлни медиаплеерда ишга тушириб PhotoShopда видеомарузада намоиш этилаётган машғулоти такрорлаб бажариш имконини беради.

Видеомарузани хоҳлаган жойда тўхтатиб қўйиб амалий машғулотларни базариш ва шу тарика такроран бажариш мумкин.


Видеомарузада эффектлардан фойдаланиш талабаларга, берилаётган буйруқларни ўқиб бажариш имкоятларини беради.



37-расм. Видео файлни яратишни таҳрирлаш ойнаси.


Ушбу кетма-кетлик орқали қолган барча машғулотлар бажарилади.

Яратилган видеоматризаларини битта меню остида бирлаштирилган. Унинг кўриниши қуйидагича:



38-расм. Менюлар яратиш ойнаси.

Ихтиёрый дарсинг видеоматризаси танлангандан сўнг видеоплерда видеоматриза ишга тушади:



39-расм. Меню остида ишлаган файл ойнаси.

3-боб. Ҳаёт фаолияти ва ҳавфсизлиги

3.1. Микроиклимнинг инсон организмга таъсири

Инсон организми ҳаво ҳароратининг жуда катта ўзгаришларига мослаша олади. Чунки одам организмда узлуксиз равишда иссиқлик пайдо бўлади ва у ташқарига ажралиб чиқиб туради, бунинг натижасида иссиқликнинг пайдо бўлиши ва сарф қилиниши орасидаги доимий нисбат ҳамда ҳарорат бир-хил даражада сақланиб туради. Бу физиологик жараён эса организмнинг иссиқлик алмашуви дейилади.

Одам организмда узлуксиз пайдо бўладиган иссиқлик ташқарига уч хил йўл билан чиқади: конвекция, нур тарқатиш ва терлаш. Нормал микроиклимда (ҳаво ҳарорати 20С атрофида) конвекция йўли билан 30% атрофида, нур тарқатиш йўли билан 45% атрофида, терлаш йўли билан эса 25% атрофида организмдан иссиқлик ажралиб чиқади.

Ҳаво ҳарорати юқори бўлганда ёки ҳавода инфрақизил нурлар бўлганида, организмнинг нормал иссиқлик ажралиб чиқиш жараёни бузилади. Агар ҳаво ҳарорати тенг ёки ундан ортиқ бўлса, организм ўзидан конвекция йўли билан иссиқлик чиқара олмайди. Бордию бунинг устига ҳавога қизиган жисмлардан инфрақизил нурлар ажралиб чиқиб турган бўлса, организм ўзидан нурланиш йўли билан иссиқлик чиқара олмайди. Бундай ҳолларда организмнинг иссиқлик алмашуви жуда қийинлашади, чунки организмдаги ортиқча иссиқлик фақат терлаш йўли билан ташқарига чиқади. Ҳаво намлиги юқори бўлган шароитда эса организмдан терлаш йўли билан чиқадиган иссиқлик қийинлашади ва организмдан ортиқча иссиқлик конвекция ва нур тарқатиш йўли орқали чиқади.

Ноқулай иқлим шароитида организмнинг иссиқлик алмашуви жараёни бузилиши (ўзгариши) натижасида, организмдаги ҳаётий зарур аъзоларнинг нормал ишлаши қийинлашади ва физиологик функциялари ўзгаради.

Юқори ҳарорат юрак ва қон томир системасига жуда катта таъсир кўрсатади. Юқори ҳарорат таъсири натижасида қон томир уруши тезлашади ва организм ҳарорати кўтарилишига сабабчи бўлади. Бу эса организм иссиқлик алмашувининг бузилишидан дарак беради.

Юқори ҳарорат таъсири натижасида қон босими пасаяди, қоннинг кимёвий таркиби ўзгаради. Иссиқ ҳаво таъсирида организмдан суюқликлар билан бир қаторда жуда кўпгаб газлар ҳам ажралиб чиқади. Организмнинг сув тузи баланси бузилиши натижасида кишилар томир тортиш касаллигига учрашлари мумкин.

Юқори ҳарорат овқатланиш аъзоларига ва витамин алмашувига ҳам ёмон таъсир

килади. Кишилар жуда иссиқ ҳаволи муҳитда узок муддат ишлашлари натижасида улар организми қизиб кетиши мумкин, яъни иссиқ уруши мумкин.

Бутун организмнинг ортикча қизиб кетишидан пайдо бўлган иссиқ урушидан офтоб урушини фарқ қилиш керак. Офтоб уруши иссиқлик нурларининг тўғридан-тўғри бошга таъсир қилишдан ва бош миянинг 40-42 градусгача иссишида пайдо бўлади. Бунда тана ҳарорати нормал ҳолда қолиши ёки салгина кўтарилиши мумкин. Баъзида офтоб-иссиқ урушининг аралаш формалари учрайди.

Совуқ ҳавонинг организмга таъсири жуда яхши ўрганилмаган, шу нарса маълумки совуқ ҳавонинг таъсири натижасида организмларнинг ҳар хил бактерияларга бўлган қаршилиги сусаяди. Натижада кишилар грипп, нафас олиш йўллариининг шамоллаши, ўпка шамоллаши, нервни ва бош мияни шамоллаши касали билан касалланадилар. Шунинг учун ҳам бу касалликлар шамолланиш касаллиги деб аталади.

Инфрақизил нурларнинг организмга таъсири иссиқ ҳаво таъсиридан фарқ қилиб, аввало маҳаллий таъсир кўрсатади. Инфрақизил нурларнинг маҳаллий таъсири организмнинг нурланаётган қисмида иссиқлик сезилиши билан ифодаланади. Нурланиш даражаси қанча юқори бўлса иссиқлик сезиши ҳам шунча юқори бўлади, ҳатто қуйисигача бориб етади. Инфрақизил нурлар организмга умумий таъсир ҳам қилади. Инфрақизил нурларнинг умумий таъсири кўп ҳолларда иссиқ ҳавонинг организмга таъсирга ўхшаб кетади; инфра-қизил нурлар таъсирида тана ҳарорати кўтарилган, қон томир уруши тезлашади, газ алмашуви тезлашади; баъзида қон босими пасайиши ва нафас олишнинг тезланиши кузатилади.

Инфрақизил нурларнинг организмга таъсирининг ўзига ҳос хусусияти шундан иборатки, оксил тўқималаридан кимёвий ўзгариш келтириб чиқаради. Тўғридан-тўғри кўзга тушганда эса кўз гавҳарини хиралаштиради.

Ультрабинафша нурлар кўзга таъсир қилади, кўзга қум кирганга ўхшаб оғрийди, кўз ёруғликдан кўрқади, қизаради ва бир оз шишади. Булар ҳаммаси электроофтальмия касаллигига ҳос бўлиб, ультрабинафша нурлар таъсир қилгандан 6-8 соат кейин билинади, гоҳида икки суткагача давом этади.

Ультрабинафша нурлари нисбатан катта бўлмаган миқдорда организмга ижобий таъсир кўрсатади. Улар организмда қон кўпайишига Д витаминининг пайдо бўлишига ва модда алмашувининг яхшиланишига сабабчи бўлади. Булардан ташқари ультрабинафша нурлари ҳаводаги ва нарсалардаги бактерияларни ўлдиради. Мана шу хусусиятга кўра ультрабинафша нурлари тиббиётда даволлаш ва эмлаш (профилактика) қуроли сифатида кенг қўлланилади.

Ҳавонинг намлиги ва ҳаракатчанлиги ҳам киши организмга сезиларли таъсир қилади ва организмнинг иссиқлик алмашувининг ўзгаришида ифодаланади.

Нормал микроиқлим яратиш учун қўриладиган тадбир чоралар: Метериологик шароит иссиқ ишлаб чиқариш биноларда учта асосий йўналиш бўйича нормалаштирилади; ҳаво харорати, ҳаракатчанлиги ва нисбий камлик бўйича.

Иссиқ ишлаб чиқариш биноларини режалаштиришда, уларнинг бўлаклари (участкалари) соф тоза ҳаво билан таъминланиши эътиборга олиш керак. Шу мақсадда иссиқлик ишлаб чиқариш биноларини бўлақларга бўлинишга йўл қўймаслик керак. Чунки кўп бўлакли иссиқ ишлаб чиқариш биноларини ўрта бўлақлари яхши шамоллайди. Соф ҳаво ўрта бўлақларга етиб боргунча исиб қолади.

Соф тоза ҳамма ерга бирдан етиб бориши учун ишлаб чиқариш бинолари ичидаги ҳар хил қурилмаларни бир жойга қурилишига йўл қўймаслик керак. Бу қурилмаларни бир-биридан ва девордан маълум бир масофада қуриш керакки уларнинг орасидан соф ҳаво бемалол ўтиб бинони яхши шамоллатишга имкон яратиб берсин. Бундай қурилмаларни ишлаб чиқариш биноларидан ажралган ҳолда қуриб, уларни ингичка коридор билан бирлаштирилса яна ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Ишлаб чиқариш биноларини яхши шамоллатиш мақсадида ишлаб чиқариш жиҳозларини жойлашишга ҳам эътибор берилади. Ўзидан иссиқлик чиқарадиган ишлаб чиқариш жиҳозлари бир-бирига параллел жойлашмаслиги керак, чунки уларни ўртасидаги майдон ва иш жойлари иссиқ ҳаво таъсири остида бўлади. Ташқаридан келадиган соф ҳаво эса бу иш жойларига қизиган ҳолатда етиб келади.

Гигиена нуқтаи назардан, ўзидан иссиқлик чиқарадиган жиҳозларни ромлар ўрнатилган ташқи девор бўйлаб жойлаштириш керак.

Ёз (пайтларида) фаслида қуёш нурларидан қизиган бино томлари иссиқликнинг ичкарига ўтказмаслиги учун уларни қуёш нурларидан қизишига йўл қўймаслик керак. Қуёш нурларини таъсирини камайтириш мақсадида баъзи-бир тадбир чоралар амалга оширилади. Бу тадбир чоралар ичида энг самаралиси бутун том бўйлаб сувни мухсус пургагичлардан жуда майдалаб сепишдир.

Бино ичига кирадиган ҳавони совутиш учун иссиқ ҳаво кирадиган иссиқ жойларда, деразаларда ва бутун бинонинг юқори қисми бўйлаб сувни майдалаб сепиш керак, агар ишлаб чиқиш жараёнига зид бўлмаса.

Иссиқ ишлаб чиқариш биноларидаги меҳнат шароитини яхшилашда ишлаб чиқариш жараёнини механизациялаштириш ва автоматизациялаштириш жуда катта аҳамиятга эга. Механизация ва автоматизация ёрдамида биз фақат оғир қўл меҳнатини

механизмлар ва автоматлар билан алмаштириб қолмасдан, ишчиларни хавфли ва иссиқ иш жойларидан олиб чиқишга эришамиз. Иссиқ ҳавога қарши қўриладиган тадбир чоралар уни ажралиб чиқишини камайтиришга қаратилган бўлиши керак. Чунки уни ажралиб чиқишини камайтириш, уни йўқотишга қараганда осонроқ. Иссиқ ҳавони ажралиб чиқишини камайтиришга тадбир чораларни энг самаралиги иссиқлик чиқадиган манбаларни асосий ишлаб чиқариш зонасидан ажратиб қўйишдир. Агар ажратиб қўйишни иложи бўлмаса унинг сатҳларни экранлаштириш ва бошқа санитария нормаларини қўллаш керак бўлади.

Иссиқлик чиқарадиган манбаларни асосий ишлаб чиқариш зонасидан ажратиб қўйиш учун уларни иссиқликни ўтказмайдиган материаллар билан ўраб қўйиш керак. Бундай материалларга ичи ковак ғишт, ганч, махсус тупроқ билан аралашган ганч қоришмалари киради.

Иссиқлик ажралиб чиқишга қарши қўлланадиган чора-тадбирлардан бири, иссиқлик ажратадиган жихозлар сатҳини сув билан совитишдир. Шу мақсадда сув қўлмакчалари ёки иссиқлик чиқарадиган жихозларни сатҳини ўраб турган трубкачалар қўлланилиб, бу трубкачалар ичидан совуқ айланиб туради. Иссиқлик манбаларини тўсиш (экранлаштириш) учун баландлиги 2 метрдан паст бўлмаган тўсиқлар (шитлар) қўлланилади. Бу тўсиқлар иссиқлик манбалари 5-10 см масофада уларга паралель ўрнатилади.

Инфрақизил нурларининг таъсиридан меҳнатчиларни ҳимоя қилиш учун бир-қанча махсус қурилма ва мосламалар қўлланилади. Булар хилма-хил конструкцияли тўсиқлардан иборат бўлиб, меҳнатчиларни нурланишдан ҳимоя қилади. Бу тўсиқлар инфрақизил нурлари манбаи билан меҳнат жойлари ўртасига ўрнатилади. Нурланишга қарши қўриладиган баъзибир чоралар орасида самаралиги сув пардалари бўлиб, инфрақизил нурларини тўсиқ ютади.

Иссиқ ишлаб чиқариш биноларида иссиқ ҳавога қарши вентиляторлардан фойдаланиш ҳам катта аҳамиятга эга. Шу мақсадда иссиқ биноларда стол вентиляторидан тортиб аэрациягача маҳаллий вентиляциядан умумий алмашиш вентиляциясигача қўлланилади.

Рационал жиҳозланган дам олиш жойлари ҳам иссиқ ҳавони таъсирига қарши курашда муҳим аҳамиятга эга. Бундай дам олиш жойлари асосий иш жойлари яқинида ташкил қилиниши керак, чунки ишчилар қисқа муддатли танаффусларда ҳам дам олиш имкониятига эга бўладилар.

Иссиқ ишлаб чиқариш биноларидаги ишлайдиган ишчиларнинг махсус иш

кийимлари иссиқ ўтказмайдиган, нам ўтказмайдиган ва алангаланмайдиган материаллардан тайёрланиши керак. Бу хусусиятга шинель туридаги сукно эга. Шунинг учун ундан махсус иш кийимлари тайёрланади. Кўпроқ учқун чиқадиган иш жойларида бундай махсус иш кийимлари брезентли газмолдан тикилади.

Меҳнат гигиенаси ва касб касаликлари институти томонидан металлаштирилган газмол яратилган бўлиб бу ишчиларни инфрақизил нурланишдан ҳимоя қилади. Бу газмол ишчиларни махсус иш кийимларини инфрақизил нурлар кўп тушадиган участкаларига тикиб қўйилади.

Ишчиларни юзини инфрақизил нурлардан ҳимоя қилиш учун металл сеткалардан фойдаланилади. Бу металл сеткалар бошга ёки бош кийимига ўрнатилган бўлади. Металл сеткалар ишчиларни юзини нурланишини 2-2,5 марта камайтиради ва учқун сакрашидан сақлайди.

Кўзни ультрабинафша нурларидан ҳимоя қилиш учун эса ишчиларга махсус ёруғликни филтёрлайдиган (светофилтёр) кўз ойнаклар берилади.

Иссиқ ишлаб чиқариш биноларида шахсий гигиена ҳам ишчиларни иссиқ ҳаво таъсиридан сақлашда муҳим роль ўйнайди. Шахсий гигиена ишчилар организмни қизиб кетишига, чарчашга йўл қўймасликка ва терини йирингли касалликлар билан касалланмаслигига қаратилгандир.

Иссиқ ҳавони таъсирига қарши кўриладиган тадбир чораларни асосийси баданни сувда ювишдир. Баданни сувда ювиш натижасида организм тез совийди, ўзгарган физиологик функцияларни тез тиклайди ва бадандан чанг билан терни ювади. Шу мақсадда иссиқ иш жойларини яқинида ўрнатилган ярим душлардан фойдаланилади.

Совуқ ҳавога қарши кўриладиган тадбир чоралар асосан шахсий ҳимояга қаратилган. Совуқда ишлайдиган ишчиларга махсус иссиқ кийимлар ва иссиқ оёқ кийими берилиши керак. Очиқ жойдаги иш жойлари иложи борича шамолдан ҳимоя қилиниши керак, ишчиларга ишга ёпиқ машиналарда ташиш ва уларга исиниб олиши учун иссиқ дам олиш хоналари ташкил қилиниб, қисқа муддатли танаффуслар ўрнатилиши керак.

3.2. Ёнгин ҳақида умумий маълумотлар ва уни олдини олиш чора-тадбирлари

Ёнгин ҳақида умумий маълумотлар: Ёнгин иқтисодиётга катта оддий зарар етказиши. Бунинг устига, кўп ҳолларда ёнгин вақтида бахтсизлик ҳодисалари ҳам рўй беради. Бу эса ўз навбатида ёнгиндан сақланиш ҳамда меҳнат муҳофазаси қоидаларини яхши ўрганиб-билиб олиш ҳамда уларни ўзаро узвий боғлай билиш вазифасини юклайди.

Ёнғинга қарши курашиш техникасининг вазифалари ёнғин чиқиш сабабларини ўрганиш, ёнғиннинг олдини олишнинг энг мақбул усулларини, шунингдек ёнғинни қисқа вақт ичида ўчириш воситалари ва усулларини топиш ҳамда белгилаб олишдан иборатдир. Ёнғин махсус манбадан ташқарида бўладиган, назорат қилиб бўлмайдиган ёниш бўлиб, жуда катта моддий зарар етказди.

Ёнғин чиқишига асосан оловдан нотўғри фойдаланиш; электр ўрнатгичларни, печларни, тутун трубаларини монтаж қилиш ва ишлатиш қоидаларининг бузилиши; халқ хўжалиги объектларини лойиҳалаш ва қуришда ёнғин хавфсизлиги нормалари талабаларининг бузилиши; ёнғин жиҳатдан хавфли жиҳозларни ишлатишда ва осон аланганланадиган материаллардан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик; болаларнинг олов билан ўйнаши; момақалди роқ разрядлари сабаб бўлади.

Ёнғиннинг олдини олиш ва ёнғиндан сақлаш тартиблари ёнғиннинг очиқ аланга ва учқунлар, ҳаво, буюмларнинг юқори температураси, заҳарли ёниш маҳсулотлари, тутун, кислороднинг камайиб кетиши, бино ҳамда иншоатларнинг қулаши ва шикастланиши, портлаш каби факторларнинг одамларга таъсирининг олдини олиш керак. Бу вазифаларни ҳал қилиш учун ёнғин-портлаш жиҳатдан хавфли модда ва материаллар ўрнига ёнмайдиган ҳамда қийин ёнадиган материал ва моддалардан иложи борица кўп фойдаланиш, ёнувчи муҳитни изоляциялаш (технологик жараёнларни автоматлаштириш, герметиклаш ва ҳ.к.), ёнғиннинг ёниш манбаидан атрофга тарқалишига йўл қўймаслик, ўт ўчириш воситалари, гуруҳли ҳамда якка тартибда ҳимоя воситалари, сигнализация ва ёнғин ҳақида хабар бериш воситаларидан фойдаланиш, ёнғин чиққанда одамларни эвакуация қилиш тартибини тўғри ташкил этиш, объектларни ёнғиндан қўриқлаш зарур.

Биноларда ёнғин чиқишининг олдини олиш: бино ёки иншоатнинг ўтга чидамлилиги уларнинг қуйидаги асосий қисмлари: ёнғинга қарши деворлар (брандмауэрлар), кўтариб турувчи ва ўзини ўзи кўтариб турувчи деворлар, зина катаклари деворлари, ўрнатма панел деворлари, каркас деворлар тўлдиргичи, кўтарувчи пардеворлар, қаватлараро ва чордок ёпмалари ҳамда томларнинг ўтга чидамлилиги билан белгиланади.

Тузар жойларда чиқадиган ёнғинлар катта моддий зарар етказди ва умумий ёнғинлар миқдорининг 50% ни ташкил этади. Уйларда (биноларда) ёнғин чиқишига асосан электр ва газ жиҳозларидан, саноат ҳамда уй-рўзғор асбобларидан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши ва бошқалар сабаб бўлади.

Тузар жой биноларининг ўтга чидамлилиқ даражаси бино қаватларининг сони ва майдонига боғлиқ. Кўп қаватли анча узун биноларда бинони бўлимларга ажратадиган ёнғинга қарши девор сифатида кўндаланг деворлар ва секциялараро деворлардан

фойдаланилади. Одам яшамайдиган хоналар ўтга чидамлик чегараси 0,75 соат бўлган девор ва ораёпмалар билан ажратилади.

Ер тўла ва стоколь қаватларига одам яшайдиган хоналар жойлаштирилмайди, у ерга битта хонадон ҳисобига кўпи билан 3 м дан хўжалик омбори ҳамда ўтин хона жойлаштирилиши мумкин. Ўтга чидамлиги III даражада бўлган биноларнинг ер тўла ва стоколь қаватлари устига ёнмайдиган (ўтга чидамлик чегараси камида 1 соат), бир ва икки қаватли уйларда эса қийин ёнадиган (ўтга чидамлик чегараси камида 0,75 соат) ораёпмалар ўрнатилади. Ер тўладан чиқиш жойлари ташқаридан ёки алоҳида бўлади.

3 - жадвал

Ёнғинга қарши деворлар орасидаги қаватларнинг ўтга чидамлик даражаси, сони ва юзи

Ўтга чидамлик даражаси	Қаватлар сони	Ёнғинга қарши деворлар орасидаги қаватнинг юзи м.кв
II	1	6000
II	2-9	4000
III	1	3000
III	2-5	2000
IV	1	2000
IV	2	1400
V	1	1200
V	2	800

Ер тўла қаватнинг баландлиги 1,6-1,9 м бўлганда улардан-муҳандислик коммуникацияларини жойлаштириш учун фойдаланилади. Бундай қаватлар техник яширинлик (подполье) деб аталади. Ахлат ташланадиган камералар биринчи қаватга ёки стоколь қаватига ёнмайдиган қилиб қурилади (ўтга чидамлик чегараси камида 1 соат). Уларга кириш жойи умумий кириш жойидан ажратилган бўлади. Кейинги вақтларда чордоқсиз ёпмалар кенг тарқалмоқда. Бунда ёнғин хавфи камаёди. Чордоқларнинг ёғоч конструкцияларига ўтдан ҳимояловчи таркиблар билан ишлов берилиши, дудбуронлар эса оқлаб қўйилиши керак. Барча дудбурон ва вентилация каналлари томдан юқорига чиқарилади. Мавзелар орасидаги машиналар юрадиган йўллар ва биноларга келиш йўллари бири-бирдан кўпи билан 300 м (эркин режалаштиришда) ва 180 м (периметрал қуришда) ораликда қурилади.

Ёнғинга қарши ички водопровод тармоқлари 12 қаватли ва ундан баланд уйларга ҳамда 4 қаватли ва ундан баланд ётоқхона ва меҳмонхона биноларига қурилади.

Биноларда зина катаклари орқали камида 90 м оралатиб иккала томони очик йўллар қилинади.

Ишлаб чиқариш биноларини ёнғин жиҳатидан хавфлилигига қараб таснифлаш:

Саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш бинолари, энергетика, транспорт ва омор хўжалиги бинолари технологик жиҳатдан қандай мақсадда ишлатишлари жиҳатидангина эмас, айрим жараёнларнинг ёнғин жиҳатидан қанчалик хавфлилигига қараб ҳам бир-биридан фарқ қилади.

Амалдаги нормаларга кўра, барча турдаги корхоналар ёнғин жиҳатидан хавфлилигига қараб бешта категорияга бўлинади: А,Б,В,Г,Д.

Жадвалда корхоналарнинг категорияларга бўлиниши кўрсатилган, технологик жараённинг хавфлилик даражаси ҳамда беш категориянинг ҳар қайсисига қаршли корхоналарнинг энг характерли турлари берилган.

Уй-жой бинолари, жамоат бинолари ва иншоотлар ёнғин чиқиш хавфи жиҳатидан категорияларга бўлинмайди. Лекин қурилаётган биноларнинг неча қават бўлиши кераклиги, шунингдек ёнғинга қарши деворлар орасидаги майдоннинг йўл қўйиладиган максимал катталиги шу биноларнинг ўтга чидамлилик даражасига боғлиқ.

4-жадвал

Корхоналарнинг ёнғин жиҳатдан хавфлилик категориялари

Кор-хонанинг категорияси	Технологик жараённинг ёнғин жиҳатдан характеристикаси	Корхоналарнинг номи
А	Сув ёки ҳаводаги кислород таъсиридан ўт олиб кетиши ёки портлаши мумкин бўлган моддалар ишлатиладиган, буғларининг чакнаш ҳарорати 28С ва бундан паст бўлган суюқликлар ҳамда портлаш паст чегараси ҳавонинг ҳажмига нисбатан 10% ва бундан кам бўлган ёнувчи газларни ҳаво билан	Металл натрий ва кальцийни ишлаш ҳамда қўлланиш цхлари; сунъий тола фабрикаларининг барат ва ксатанат цехлари; синтетик каучукни стерженлаб полимерлаш цехлари; водород станциялари; ацетат ипак фабрикаларининг кимёвий цехлари; сунъий ёнилғи ишлаб чиқаришни

	биргаликда портлайдиган хавфли аралашмалар ҳосил қиладиган микдорда ишлатишга тўғри келадиган ишлаб чиқаришлар.	гидрациялаш, дистиллаш, газофракциялаш цехлари, буғларнинг чакнаш ҳарорати 28С ва бундан паст бўлган органик эритгичларни рекўперациялаш ва ректификациялаш цехлари; ёнувчи газлар солинадиган балланлар омбори; бензин омборлари; кислота ва ишқорли стационар аккумулятор установкалари; буғларининг чакнаш ҳарорати 28С ва бундан паст бўлган суюқликларни узатувчи насос станциялари ва ҳоказо.
Б	Буғларининг чакнаш ҳарорати 28дан 120С гача бўлган суюқликларни ва портлаш пастки чегараси ҳаво ҳажмига нисбатан 10% дан юқори бўлган ёнувчи газларни ҳаво билан аралашиб портловчи аралашма ҳосил қиладиган микдорда ишлатишга тўғри келдиган ишлаб чиқаришлар; ҳавода муаллақ турадиган ва ҳаво билан биргаликда портловчи аралашма ҳосил қиладиган ёнувчи чанг ёки толалар ажралиб чиқадиган ишлаб чиқаришлар.	Кўмир кукуни ва ёғоч уни ишлаб чиқариладиган ҳамда ташиладиган цехлар; мазутдан бўшаган ва буғининг чакнаш ҳарорати 28 дан 120Сгача бўлган бошқа суюқликлардан бўшаган цистерналар ва бошқа идишлар ювиладиган-буғланадиган станциялар; тегирмонларнинг майдалаш ва туйиш бўлимлари; синтетик каучукни ишлаш цехлари; қанд толқони тайёрлаш цехлари; фрезер торф майдалайдиган жихозлар; электр станцияларнинг мазут хўжалиги; буғларининг чакнаш ҳарорати 28дан 120Сгача ўлган суюқликларни узатиш насос станциялари ва ҳоказо.
В	Ёнувчи қаттиқ моддалар ва материаллар, шунингдек буғларининг чакнаш ҳарорати 120дан юқори бўлган суюқликлар ишланадиган ёки қўлланиладиган ишлаб чиқаришлар	Тахта тилиш, ёғоч материаллар ишлаш, дурадгорлик, моделсозлик, бочкасозлик ва ёғоч идиш тайёрловчи цехлари; трикотаж ва тикувчилик фабрикалари; тўқимачилик саноати ва қоғоз

		<p>саноатининг ишлаб чиқариш жараёнлари вақтида суюқликлар ишлатилмайдиган цехлари; пахтани дастлабки ишлаш корхоналари; зиғир, каноп ва луб ўсимлиги толаларини қуруқ усулда дастлабки ишлаш заводлари; тегирмонларининг дон тозалаш бўлимлари ва ҳоказо.</p>
--	--	--

Ёнувчи суюқликлар, газлар ва буғлар ёнилғи сифатида ишлатиладиган ёки шу хонанинг ўзида ёқиб утилизация қилинадиган ишлаб чиқаришлар, шунингдек технология жараёни вақтида алангадан фойдаланиладиган ишлаб чиқаришлар А,Б, ва В категорияларга кирмайди.

Омборлар, складлар уларда сақландиган материалларнинг ёнғин жиҳатидан қанчалик хавфли бўлишига қараб категорияларга ажратилади.

Ишлаб чиқариш бинолари кўпи билан неча қават ва ёнғинга қарши деворлар орасидаги пол сатҳи кўпи билан қанча бўлиши кераклиги, шунингдек бинонинг қай даража ўтга чидамли бўлиши зарурлиги шу бинога жойлаштириладиган цехларнинг ёнғин хавфи жиҳатидан қандай категорияга киритилганлигига қараб белгиланади.

Айрим ҳолда маълум мақсадларга мўлжалланган объектларни лойиҳалаш ва қуриш вақтида СНИП, яъни корхона нормалари ва тартиб қоидаларнинг тегишли бобларига амал қилиш зарур. Бу бобларда маълум мақсадларда фойдаланиладиган бино ёки иншоатларга тааллуқли ёнғинга қарши талаблар муфассал баён қилинган ҳамда ўзига хос томонлари кўрсатилган.

Хулоса

Ушбу битирув квалификацион ишида «**Photoshop CSS**» дастурини ўргатувчи **видеомаърузалар** яратилди. **Видеомаърузалар Camtasiya Studio** дастурида тайёрланган бўлиб, бу дастур ўзининг қулайликлари ва афзалликлари билан бошқа ўргатувчи **видеомаърузалар** яратувчи дастурлардан фарқ қилади. Бу дастурларга караганда **Camtasiya Studio** да **видеомаърузаларни** бир неча маротаба тезроқ яратиш имкони мавжуд. Тезкорлик давр талаби эканлигини ҳисобга олганда **Camtasiya Studio** дастурининг имкониятлари яратувчи учун муҳим ҳисобланади.

Яратилган **видеомаърузалар «Photoshop CSS»** дастурини ўргатувчи бир-неча машғулотларни ўз ичига олган. **видеомаърузаларнинг** фойдаланувчилар ва талабалар учун қулайлиги унинг ўзбек тилида яратилган эканлигидадир. Шунингдек, талабаларга яратилган файлдан фойдаланиш жуда ҳам қулай ҳисобланади. Яъний **avi** кенгайтмали файлни медиаплейерда ишга тушириб **PhotoShop**да видеомаърузада намойиш этилаётган машғулотни такрорлаб бажариш имконини беради. Видеомаърузани хоҳлаган жойда тўхтатиб қўйиб амалий машғулотларни бажариш ва шу тариқа такроран бажариш мумкин. Видеомаърузада эффектлардан фойдаланиш талабаларга, берилаётган буйруқларни ўқиб бажариш имкоятларини беради. Видеомаърузаларни яратишда **Camtasia Studio** дастури ўзининг интерфейси, жуда кўплаб форматлари, видео файлларга турли хил белгилар ва изохлар қўйилиши, дарсларга менюлар ҳосил қилиниши билан ажралиб туради, шунингдек, бу дастур ёрдамида аудио файлларни ҳам яратиш мумкин. Дарс ёзиш давомида экраннинг керакли жойини алоҳида ажратиб кўрсатиш имкони ҳам мавжуд. Ана шу афзалликлари туфайли видеодарслар ёзувчи дастур сифатида **Camtasia Studio** танланди. Бу яратилган видеомаърузалар талабаланинг **Photoshop** дастурида ишлаш бўйича билимларини ривожлантиришда катта имкониятлар яратади деган умиддаман.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 16 б.
2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 51 б.
3. Каримов И. А. Юсак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 173 б.
4. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари - олий қадрият. – Тошкент: Ўзбекистон. 2006. – 280 б.
5. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессияси материаллари. – Тошкент: 29 август, 1997.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессияси материаллари. – Т.: 29 август 1997.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш ҳақида» Қонуни // Халқ сўзи газетаси. Тошкент, – 2004. – 11 февраль.
8. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимини ахборотлаштириш концепцияси // Ўзбекистон ўқитувчиси. – Тошкент, 2004. – 9 апрель.
9. Ўзбекистон Республикасининг «2008-2012 йилларда узлуксиз таълим тизимини мазмунан модернизациялаш ва таълим-тарбия самарадорлигини янги сифат даражасига кўтариш» давлат дастури // – Тошкент, 2008.
10. Rodjers D. Osново' mashinnoy grafiki. Moskva. Mir, 1996, 503 s.
11. Foli Dj., Ven Dem A. Osново' interaktivnoy mashinnoy grafiki. Perevod s angl. Moskva. 1995, 385 s.
12. Xirn D., Berker M. Mikrokompyuternaya grafika. Perevod s angl. Moskva. 1996, 246s.
13. Murakovskiy V.I. Kompyuternaya grafika. Moskva. «AST-Press SKD» 2002-640 str.
14. Роджерс Д. Основы машинной графики. Москва. Мир, 1996, 503 с.
15. Фоли Дж., Вен Дэм А. Основы интерактивной машинной графики. Перевод с англ. Москва. 1995, 385 с.
16. Хирн Д., Беркер М. Микрокомпьютерная графика. Перевод с англ. Москва. 1996, 246с.

17. Мураковский В.И. Компьютерная графика. Москва. «АСТ-Пресс СКД» 2002-640 стр.
18. Бордман Т. 3 DS MAX 6 (+CD) Учебный курс. СПб. Питер, 2005-495 стр.
19. Бурлаков М.В. Corel DRAW 12. СПб. БХВ-Петербург, 2004-688 стр.
20. М.:Издательский дом “Вильямс”, 2000. – 880 с.
21. Миронов Д., COREL DRAW 10: учебный курс, Питер, 2001 г., – 448с.
22. Тайц А.М., Изучаем COREL DRAW, Питер, 2001 г., - 320 с.
23. Ковтанюк Ю.С., COREL DRAW 10 для дизайнера, ДиаСоф, 2001 г., - 880 с.
24. Коцюбинский А.О., Пакет программ COREL DRAW 10: практическое пособие, Технолоджи, 2001 г., - 320 с.
25. Варакин А., Первые шаги пользователя COREL DRAW 10, изд. Познавательная книга, 2001 г. – 208с.
26. Романчева Э.Т. и др, Инженерная и компьютерная графика. 2-е изд., ДМК, 2001 г., - 592 с.
27. Коцюбинский А.О., Рисунки на компьютере: Экспресс-курс, Триумф, 2000 г., -256 с.
28. Стразницкас М. Photoshop 5.5. для подготовки Web графики. Учебный курс – СПб.: Питер, 2000, - 480 стр.
29. Ширер А., Янг Д. “Компьютерная графика”. 2003. 500 стр.
30. Аюпов Л.Ф., Расулев Д.М., Ибрагимова Л.Т. Компьютер графикаси: Олий ўқув юртлари учун ўқув кўлланма. Тошкент. 2005. - 212 б.
31. <http://www.microsoft.com/rus/msdn/>
32. http://en.wikipedia.org/wiki/Software_development_process
33. <http://www.developers.net/>
34. <http://www.sql.ru/>
35. <http://www.rushelp.com>
36. www.ziyoNet.uz
37. www.tuit.uz
38. www.pedagog.uz